

Келинг, зикр ва дуо қиламиз! 4-дуо Уйдан чиқаётганда ўқиладиган дуо



15:45 / 14.04.2020 1879

نَمْ لُجْرَلَا جَرَحَ إِذَا: لَأَق لَسُو هِي لَع هَل لَإِ لَص مَّيَّب نَلَا نَع، هُنَّ عُهُ لَل لَإِ ضَرَّ سَنَ أَنْ عَ لَأَق، «هَل لَبَابُ الْوُقُوقِ وَالْوَلْوَحِ أَلْ هَل لَإِ لَعُتْ لَكَ وَتَ هَل لَإِ مَسَب: لَأَق فِهَتْ يَبُ نَأ طَيَّ شُهُ هَل لُوقِي فُ، نَأ طَيَّ شَلْ أَلْ حَنَّتِي فُ، تَيَّقُ وَوَتِي فُكَ وَ تِي دَمِ ذِي نَح لَأَقِي» نَس لَأَبْ حَصَّ أَوْر. «تَيَّقُ وَوَتِي فُكَ وَ تِي دَمِ ذِي نَح لُجْرَبَ كَلْ فَيَكُ: رَخَ أ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Киши уйдан чиқаётганда **«Бисмиллаҳи, таваккалту ъалаллооҳи, ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳи»**, деса, ўша пайтда унга: «Ҳидоят қилиндинг, кифоя қилиндинг ва сақландинг», дейилади. Шайтон ундан четланади. Бошқа бир шайтон унга: «Ҳидоят қилинган, кифоя қилинган ва сақланган одамга нима ҳам қила олардинг?» дейди».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

Дуонинг маъноси: «Аллоҳнинг исми билан. Аллоҳга таваккул қилдим. Ҳол ва қувват фақат Аллоҳ биландир».

Йўлда виқор билан, шошилмай юради ва қуйидаги ҳадисда келган дуони ўқиб кетади:

كُلُّ أَسَاءٍ يَنْبَغُ لَهَا: وَالصَّلَاةُ لِجَحْرِ إِذْ لَأَقُو نَمَّ: لَأَقُو نَعُوهُ لَلَّيْ ضَرَدِي عَسَّ يَبْأَنْعِ
الْوَأْيِرِ الْوَأَرْطَبِ الْوَأَرْشَأْخُ رَحْمُ أَمَّ، آدَهَ يَأْشُمُّ مَّقْحَبَ وَ، كُنِّي لَعَنْ يَلِئِئِ السَّلَاةِ قَحْبِ
نَّوَأَرْأَنْ لَأَنْ مَي نَدِقُونُ نَأْ كُلُّ أَسَاءٍ، كَطِخَسَاءَ قَاتِ أَوْ، كَلِئِضْرَمَ عَائِثُ بَأْتِجَ رَحَّ، عَعْمُ سِ
يَّتَحْ وَهَجَّ وَبِهَ لَعْلَلِ لَبْقَاءَ، تَنْ أَلِ بَأْ بَأْ نَأْ دَلِ أَرْفَعِي أَلُّهُ، يَبْؤُنُ ذِي لِرَفْعَتِ
عَبَّيْ شَبَّأَنْ أَوْرُ، هَلْ نَأْ وَرْفَعَتِ سَيِّئِ كَلَمَ فَلَ أُنْ وُغَبَسَ وَبَلَّ كَوَّو، فَرَصَنَ ي

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ким намозга чиққанида **«Аллоҳумма! Инни ас-алука би ҳаққис-саалийна ғалайка ва биҳаққи мамшаайа ҳааза. Лам ахруж аширон ва лаа батирон ва лаа рийа-ан ва лаа сумъатан. Хорожту ибтиғоо мардотика ва иттиқоо сахотика. Ас-алука ан тунқизани минан-наари. Ва ан тағфиरो лии зунубии ва лаа тағфируз-зунууба иллаа анта»**, деса, то у туриб кетгунича Аллоҳ унга юзланур ва унга истиғфор айтгани етмиш минг фариштани вакил қилур».

Ибн Аби Шайба ривоят қилган.

Дуонинг маъноси: «Аллоҳим! Сендан сўровчиларнинг ҳаққи ила, ушбу юришим ҳаққи ила сўрайман. Мен манманлик ва такаббур, риё ва хўжақўрсин учун чиққаним йўқ. Розилигингни тилаб ва ғзабингдан қўрқиб чиқдим. Мени дўзахдан озод қилишингни ва гуноҳларимни мағфират этишингни сўрайман. Албатта, гуноҳларни Сендан ўзга мағфират қилмас».

Имкони бўлса, ундан кейин қуйидаги дуони ўқиб, такрорлаб кетса яхши бўлади.

«يَفْ أَرْوُنْ يَلْ لَعَجْ أَوْ، يَغْمَسْ يَفْ أَرْوُنْ يَلْ لَعَجْ أَوْ، يَبْلَقْ يَفْ أَرْوُنْ يَلْ لَعَجْ أَمْ لَلِ
يَدَيَّ نَبَّ أَرْوُنْ يَلْ لَعَجْ أَوْ، يَلْ أَمْ شَنْ نَعْ أَرْوُنْ، يِنِي مَيَّ نَعْ أَرْوُنْ يَلْ لَعَجْ أَوْ، يِرَصَبْ
«أَرْوُنْ يِنْدِرُو أَرْوُنْ يِنْدِرُو، يِفْلَخْ أَرْوُنْ».

«Аллоҳумма! Ижъал лии нурон фии қолбии, важъал лии нурон фии самъии, важъал лии нурон фии басории, важъал лии нурон ған яминии ва нурон ған шимаалии, важъал лии нурон байна ядайя ва нурон холфии ва зиднии нурон ва зиднии нурон».

Дуонинг маъноси: «Аллоҳим! Менинг қалбимда нур қилгин. Менинг қулоғимда нур қилгин. Менинг кўзимда нур қилгин. Менинг ўнгимда нур қилгин. Менинг сўлимда нур қилгин. Менинг олдимда нур қилгин. Ортимда нур қилгин. Менга нурни зиёда қилгин. Менга нурни зиёда қилгин».

«Нақшбандия: вазифалар, зикрлар» китобидан